

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҶАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК-ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

---

**ОХУНОВ ФАРРУХЖОН АБДУҚАХОРОВИЧ**

**СУГОРИЛАДИГАН ҲУДУДЛАРДА ЕРОСТИ СУВЛАРИ РЕЖИМИНИ  
ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ  
(ҚАРШИ ЧҮЛИ МИСОЛИДА)**

**04.00.04 – Гидрогеология ва мұхандислик геологияси**

**геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Охунов Фаррухжон Абдуқаҳоровиҷ**

Суғориладиган ҳудудларда еости сувлари режимини ўрганишнинг илмий  
услубий асослари (Қарши чўли мисолида).....3

**Охунов Фаррухжон Абдуқаҳоровиҷ**

Научно-методические основы изучения режима подземных вод на  
орошаемых территориях (на примере Каршинской степи).....21

**Okhunov Farrukhjon Abdukakhorovich**

Scientific and methodological foundations for studying the groundwater regime in  
irrigated areas (on the example of the Karshi steppe).....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҶАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК-ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**ОХУНОВ ФАРРУХЖОН АБДУҚАХОРОВИЧ**

**СУГОРИЛАДИГАН ҲУДУДЛАРДА ЕРОСТИ СУВЛАРИ РЕЖИМИНИ  
ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ  
(ҚАРШИ ЧҮЛИ МИСОЛИДА)**

**04.00.04 – Гидрогеология ва мұхандислик геологияси**

**геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/GM84 ракам билан рўйхатта олинган.**

Диссертация Гидрогеология ва мұхандислик-геологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглизча (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.seismos.uz](http://www.seismos.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаев Ботиржон Дадажонович**  
геология-минералогия фанлари доктори,  
катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Иргашев Юлдашбай**  
геология-минералогия фанлари доктори,  
профессор

**Аззамова Инобат Абдуваҳидовна**  
геология-минералогия фанлари номзоди,  
профессор

**Етакчи ташкилот:**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш мұхандислари институти»  
миллий тадқиқот универсиети

Диссертация химояси Сейсмология институти хузуридаги DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01  
ракамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «22» февраль соат  
14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-йй.  
Тел.: +99871- 241-51-70; +99871- 241-74-98; E-mail: [seismologiya@mail.ru](mailto:seismologiya@mail.ru)).

Диссертация билан Сейсмология институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш  
мумкин (1149-ракам билан рўйхатта олинган). Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним  
кўчаси, 3-йй, Тел.: +99871- 241-51-70.

Диссертация автореферати 2023 йил «7» февраль куни тарқатилди.

(2023 йил «7» февралдаги 12-ракамли реестр баённомаси)



**К.Н. Абдуллабеков**  
Илмий даражалар берувчи  
бир марталик Илмий кенгаш раиси,  
ғ.-м.ф.д., академик

**З.Ф. Шукуров**  
Илмий даражалар берувчи  
бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби,  
ғ.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

**В.А. Исмаилов**  
Илмий даражалар берувчи  
бир марталик Илмий кенгаш кошидаги  
бир марталик илмий семинар раиси, ғ.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда еости сувлари режимини мониторинг қилиш турли хил маҳаллий ва худудий миқёсга эга бўлган иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал қилишда олиб бориладиган гидрогеологик илмий-тадқиқотларда муҳим аҳамият қасб этади. Еости сувларининг ҳолати бўйича мониторинг маълумотлари нафақат муҳандислик-геологик башоратлашнинг ишончлилигини асослаш, гидрогеологик тадқиқотларни иқтисодий самарадорлигини сезиларли даражада оширишда муҳим омил ҳисобланади. Бу борада еости сувлари режимини таҳлил қилиш, инсон фаолиятининг еости сувларига таъсири даражасини аниқлаш, ҳалқ ҳўжалигида самарали фойдаланиш, уларни асррабайлаш ва сув ҳўжалигини тизимли бошқариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида замонавий технологиялар ёрдамида суғориш ишларини еости сувлари режимига таъсирини ўрганишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш ва сув ресурсларини тизимли бошқариш билан боғлиқ бўлган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада еости сувларининг табиий ёки бузилган режимларини ҳамда режим элементларини табиий ва техноген омилларга боғлиқлигини илмий асослаш, еости сувларидан ичимлик суви таъминотида ва ҳалқ ҳўжалигида турли мақсадларда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги амалиётида суғориш ишларининг еости сувларига таъсири, чучук еости сувларини қидириб топиш ва уларни ифлосланишдан сақлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўрганиш каби вазифалар бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, ҳамда ушбу йўналишларда муайян натижаларга эришилган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...еости сувларининг 125 минг м<sup>3</sup>/сут захирасини аниқлаш ва натижаси билан 550 мингдан ортиқ аҳолини ичимлик суви, 30 минг гектар ерларни суғориш учун сув ресурсларини асослантириш...»<sup>1</sup> муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада суғориладиган худудларда еости сувлари режимини ўрганиш, уларни турли ифлосланишлардан муҳофаза қилиш ҳамда ерларнинг шўрланиш ва захланиш жараёнларидан сақлаш бўйича илмий-тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият қасб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июнданги «Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 343-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

йил 27 июндаги 430-сон «Еости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни янада тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг – VIII «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал ҳом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Еости сувлари режимини вақт ўтиши билан сифатини ўзгариши ва унга таъсир қилувчи табиий ва антропоген омилларни ўрганиш масалалари билан хорижий давлат олимлари В.М.Гольдберг, Н.Н.Биндеман, Л.С.Язвин, В.А.Михеев, Т.С.Смирнова, Е.В.Аремьев, А.Г.Сатпаев, В.В.Кулагин, М.К.Абсаметов, М.А.Мухамеджанов, М.Б.Гаврилов, А.Т.Макыжанова, Ж.С.Сыдыков, В.Н.Островский, К.А.Анзельм, М.Ю.Эсенбеков ва бошқа етук мутахассислар шуғулланганлар. Ўзбекистонлик олимлардан Г.А.Манжирова, Н.Н.Хожибоев, Г.А.Мавлянов, Э.В.Мавлянов, К.Пулатов, В.П.Морозов, В.А.Борисов, А.Р.Бородин, С.Ш.Мирзаев, Ю.Иргашев, Ш.О.Мурадов, Г.Х.Хамитов, Ф.М.Мирюсупов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Аввал бажарилган илмий-тадқиқотлар асосан, бўз ерларни ўзлаштиришда еости сувлари имкониятларидан фойдаланишни асослаш, табиий ва техноген омиллар таъсирида еости сувлари сатҳи ва сифатини ҳамда грунтларнинг мелиоратив ҳолатини ўзгаришини баҳолаш каби масалаларни ўрганишга қаратилган.

Кишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиши, бўз ерларни ўзлаштирилиши ҳамда суғориш ишларини жадал олиб борилиши, ушбу худудларда гидрогоеологик ва мелиоратив гидрогоеологик шароитлар ўзгаришини замонавий ҳолатини илғор технологияларни қўллаган ҳолда баҳолаш ва зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиши тақозо этмоқда.

Мазкур илмий-тадқиқот ишидаги суғориш ишларини еости сувлари ҳолатига, аэрация зонаси жинсларига таъсирини замонавий моделлаштириш тизимларини қўллаган ҳолда баҳолаш юқоридаги гидрогоеологик ва мелиоратив гидрогоеологик муаммоларни тизимли ва самарали тадқиқ қилишга ҳамда тадқиқот ишларининг ишончлилигини оширишга имкон беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гидрогоеология ва инженерлик геологияси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №410 «Қарши чўли мисолида, суғориладиган ерларни еости сувлари ҳолатига ва аэрация зонаси жинсларига таъсирини замонавий моделлаштириш тизимларини қўллаган ҳолда баҳолаш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сугориш ишларини еости сувлари ҳолатига ва аэрация зонаси жинсларига таъсирини ҳамда гидрогеологик ва мелиоратив гидрогеологик шароитлар ўзгаришини замонавий ҳолатини илғор технологияларни қўллаган ҳолда баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

республика миқёсида сугориш ишларини еости сувлари ҳолатига ва аэрация зонаси жинсларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

ҳудуднинг геологик, гидрогеологик шароитларига мувофиқ еости сувларининг режими ва балансини белгиловчи табиий ва техноген омилларни аниқлаш;

замонавий технологияларни қўллаш орқали сугориш майдонларидағи гидрогеологик жараёнларни моделлаштириш;

ерости сувлари ҳолатига ва аэрация зонаси жинсларига сугориш ишларини таъсирини замонавий моделлаштириш тизимларини қўллаган ҳолда баҳолаш;

моделлаштириш ёрдамида Қарши чўлининг сугориладиган ерларини мелиоратив ҳолати ва шўрланиш динамикасини башоратлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қашқадарё дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Қарши чўлининг сугориладиган ҳудудлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Қарши чўлининг сугориладиган ҳудудларининг гидрогеологик ва мелиоратив шароитлари, еости сувлари режими ва сифатини ўзгариши, аэрация зонасида миграция кўрсаткичлари, иккиламчи шўрланиш ва тузларнинг ювилиш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида қўйилган вазифаларни амалга оширишда маҳаллий ва хорижий тадқиқотларни илмий таҳлил қилиш, гидрогеологик дала амалиётлари, сув намуналарининг кимёвий таҳлили, Visual MODFLOW Flex, ArcGIS ва CorelDRAW каби замонавий компьютер дастурлари ёрдамида моделлаштириш ва хариталаш, еости сувларини кўп йиллик мониторинги натижаларини умумлаштириш, корреляцион боғлиқлик, сув-туз баланси ҳамда еости сувларини гидрогеологик параметрларини автоматик ўлчовчи қурилма (дайвер) ёрдамида еости сувлари режимини баҳолашни ўз ичига олган комплекс усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

Қарши чўлининг сугориладиган майдонларида тузларнинг ювилиши ва уларни шимоли-ғарб ҳудудларида тўпланишидан ҳосил бўлган шўрланиш баҳоланган ва илғор технологиялар асосида тузларни давомли ювилиши асосланган;

сугоришга ишлатилаётган сувлар ҳудуддаги мавжуд грунт сувларининг чучуклашишига олиб келиши ва атрофдан сизиб келаётган шўр сувлар оқимига гидродинамик тўсиқ вазифасини ўтаётганлиги аниқланган;

моделлаштириш асосида еости сувлари сатҳининг кўтарилишидан аэрация зонасида юзага келган мухим геокимёвий ўзгаришлар баҳоланган;

чўлнинг юқори ҳудудларидан ювилган тузлар Қашқадарё дарёсини ўрта

оқимиға құшилишидан, дарё сувининг суғориладиган ерларни шүрләнтирувчи манбага айланиши илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:**

худуднинг геоморфологик ва геологик-литологик тузилиши, унинг гидромелиоратив ҳолати, жинсларнинг сизиш хусусияти, геокимёвий ва гидродинамик шароитлари ўрганилиб, еости сувларида ва сувга тўйинган төғ жинсларида тузларни давомли ювилиши башоратланган ҳамда уларни худуднинг шимоли-ғарбида тўпланиши аниқланган;

замонавий дастур Visual MODFLOW Flex асосида Қарши чўлининг суғориши майдонларида гидрогеологик жараёнлар моделлаштирилган;

замонавий моделлаштириш тизими ёрдамида суғориши ишларини Қарши чўли худудининг еости сувлари ҳолатига ва аэрация зонаси жинсларига таъсири баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ер ости сувларининг кимёвий таркиби маълумотлари, «ер ости сувлари-тоғ жинслари» тизимидағи модда алмашинуви жараёнлари ва Қашқадарё вилоятида жойлашган 214 та ер ости сувлари мониторинг қудуқлари, ер юзасидан 3 метрли қатламда туз заҳираларини ҳисоблаш учун ажратилган кичик участкаларда қазилган шурфлар ҳамда Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедициясининг маълумотларини ретроспектив таҳлил қилинганлиги билан асосланади. Замонавий моделлаштириш дастурлари ёрдамида ўрганилган ҳудудда суғориши ишлари натижасида тузларни давомли ювилиши башорат қилинганлиги ҳамда уларни худуднинг шимоли-ғарбида тўпланиши аниқланганлиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғоришига ишлатилаётган сувлар ҳудуддаги мавжуд грунт сувларининг чучуклашишига олиб келиши ва атрофдан сизиб келаётган шўр сувлар оқимиға гидродинамик тўсиқ вазифасини ўтаётганлиги аниқланганлиги, чўлнинг юқори ҳудудларидан ювилган тузлар Қашқадарё дарёсини ўрта оқимиға құшилишидан, дарё сувининг суғориладиган ерларни шүрләнтирувчи манбага айланиши илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий моделлаштириш тизими ёрдамида суғориши ишларини Қарши чўли худудининг еости сувлари ҳолатига ва аэрация зонаси жинсларига таъсири баҳоланиши еости сувларининг тизимли мониторингини яратиш, бўз ерларни ўзлаштиришда оптимал ирригация тизимини танлаш, коллектор-дренаж тизимларини такомиллаштириш ҳамда ҳудудларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиша муйян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суғориладиган ҳудудларда еости сувлари режимини ўрганишнинг илмий-услубий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чўлнинг юқори ҳудудларидан ювилган тузлар Қашқадарё дарёсини ўрта

оқимига қўшилиши ҳамда дарё сувини суғориладиган ерларни шўрлантирувчи манба сифатида асосланганлиги «Қашқадарё гидрогеология станцияси»нинг еости сувларини мониторингини юритиш фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 20 октябрдаги 04-4946-сон маълумотномаси). Натижада, еости сувлари мониторингини самарали олиб бориш ва янги бурғиланадиган кузатув қудукларини оптимал жойлаштиришга имкон яратган;

чўл ҳудудидан тузларнинг ювилиши ва уларни пастқам жойларга тўпланишидан ҳосил бўлган шўрланишни аниқлаш услуги «Қашқадарё гидрогеология станцияси»нинг амалий-тадқиқот ишларига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 20 октябрдаги 04-4946-сон маълумотномаси). Натижада, еости сувларининг ётиш чуқурлиги, минераллашуви даражаси ва тури суғориш режими ҳамда ҳудуднинг дренажланиши билан баҳоланадиган ерларнинг барқарор, қулай мелиоратив ҳолатини сақлаб қолиш учун зарур чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш имконини берган;

суғоришга ишлатилаётган сувлар ҳудуддаги мавжуд грунт сувларининг чучуклашишига олиб келиши, атрофдан сизиб келаётган шўр сувлар оқимига гидродинамик тўсик сифатида аниқланганлиги «Қашқадарё гидрогеология станцияси»нинг фаолиятига татбиқ этилган (Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 20 октябрдаги 04-4946-сон маълумотномаси). Натижада, аҳолини сув таъминотини яхшилаш бўйича олиб борилаётган гидрогеологик қидирув ишларини самарали режалаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 7 та тезис, 7 таси илмий мақола. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, шу жумладан, 4 таси республикада ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Киришда** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот обьекти ва мавзуси атрофлича тавсифланган ҳамда республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар баён этилган. Шу билан бирга, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинган мақолалар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Карши чўлининг геологик ва мухандислик-

**геологик ўрганилганлиги»** деб номланган биринчи бобида ҳудудда табиий шароитлар ва турли фойдали қазилма бойликларни ўрганишда, маълум халқ хўжалиги иқтисодий муаммоларини хал қилиш мақсадида кўплаб геологик илмий-тадқиқотлар ўтказилганлиги хақида батафсил маълумотлар берилган.

Ҳудудда асосий мақсадли геологик илмий-тадқиқотларни 1926-1940 йилларда М.М. Решеткин, В.М. Зоддин, М.А. Шмидт, В.Л. Дмитриев, Л.В. Попов, И.А. Билялов, С.А. Ильин, Ф.Л. Чернышев ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Қарши чўли ҳудудининг геологик тузилиши ҳақидаги асосий маълумотлар А.М. Акрамхўжаев (1960-1982 й.й.), А.Г. Бабаева (1966-1990 й.й.), А.Г. Ибрагимова (1975-1991 й.й.), П.У. Ахмедова (1987-1990 й.й.), Н.В. Безносова (1988 й.), В.В. Корсуня (1975-1984 й.й.), В.Д. Ильина ва Н.К. Фортунатовалар (1968-1984 й.й.), П.У. Ахмедова ва З.С. Убайхўжаева (1999-2002 й.й.), Г.С. Абдуллаев ва Х.Х. Миркамаловларнинг (2004 й.) тадқиқотларида кенг ёритилган.

Тўртламчи давр ётқизиқлари Қарши чўлида нотекис тақсимланган. Улар гарбий текислик қисмидаги энг катта майдонни эгаллаб, ушбу ҳудуднинг ҳозирги рельефини ташкил этади ҳамда Қашқадарё ва унинг ирмоқлари билан чегараланган. Тектоник жараёнлар ва тоғ жинсларининг нураши натижасида сув оқимлари жинсларни чўлнинг қуий майдонларига олиб борган.

Қарши чўлидаги палеоген ётқизиқлари ҳамма жойда юқори бўр даврини қоплайди. Юқори бўр чегараси қумтош, гил, палеоген-оҳактош, доломит ва гипслардан ташкил топган.

Гидрогеологик ва муҳандислик-геологик тадқиқотлар асосан 1932 йилларда бошланиб, Г.К. Титов, Ф.Н. Абакумов ва Г.А. Манжировалар томонидан еости сувлари режими бўйича олиб борилган.

Бундан ташқари, ҳудуднинг гидрогеологик ва муҳандислик-геологик шароитларини ўрганиш ҳамда еости сувлари режими, вақт ўтиши билан сифатини ўзгариши ва унга таъсир қилувчи табиий ва антропоген омилларни ўрганиш масалалари билан Г.А.Манжирова, Н.Н.Хожибоев, Г.А.Мавлянов, Э.В.Мавлянов, К.Пулатов, В.П.Морозов, В.А.Борисов, А.Р.Бородин, С.Ш.Мирзаев, Ю.Иргашев, Ш.О.Мурадов, Г.Х.Хамитов, Ф.М.Мирюсупов ва бошқалар томонидан йирик миқёсдаги кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган.

Қашқадарё вилояти бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида, нисбатан катта захираларга эга бўлган еости чучук сувлари тарқалган майдонлар қуийидаги уч зонага ажратилган:

- биринчи зона – Қашқадарё, Зиёиддин-Зирабулоқ тоғлари ва Шўрсой пастликлари орасидаги кенг майдонни эгаллайди. Бу майдонда неоген даври ётқизиқларида захираси 500-1000 л/с га баҳоланган чучук еости сувлари ривожланган;

- иккинчи зона – Қашқадарё водийси. Водийда Қарши шахри, ҳамда Чимқўргон сув омбори оралиғидаги иккита ҳудудда чучук сувли линзалар

аниқланган. Биринчи ҳудуд (Каптархона) еости сувларининг эксплуатацион захираси 210 л/с ни ташкил қилган, иккинчи ҳудуд (Тоқбой) еости сувларининг эксплуатацион захираси 200 л/с дан ошган;

- учинчи зона – катта захирага эга бўлган чучук еости сувлари ийғиладиган ( $6\text{-}8\text{m}^3/\text{с}$ ) тўртламчи давр ётқизиқларидан ташкил топган Китоб-Шахрисабз чуқурлиги ҳисобланади.

1990-94 йилларда Ю. Иргашев томонидан геологик мухитдаги ўзгаришларни башорат қилиш ва назорат қилиш учун миңтақавий муҳандислик ва гидрогоеологик тадқиқотлар олиб борилган. Ю. Иргашев ўз тадқиқотлари натижасида қуидаги илмий натижаларга эришган:

жануби-ғарбий Ўзбекистон ҳудуди кўп босқичли, мураккаб ва ўзгарувчан муҳандислик-геологик тизим сифатида юқори ва қуи тартибли тизимлар билан алоқадорлиги аниқланган;

тўртламчи давр жинсларини стратиграфик-генетик ва муҳандислик-геологик хусусиятларига кўра бўлиниш схемаси ишлаб чиқилган, ўзгарувчанликнинг асосий йўналишлари ва чуқурлик бўйича грунтларнинг муҳандислик-геологик кўрсаткичларининг фазовий ўзгарувчанлигининг режим ва қонуниятлари аниқланган;

жануби-ғарбий Ўзбекистон ҳудудида турли стратиграфик-генетик тоғ жинслари мажмуаларининг фазода тарқалиши хусусиятлари ва қонуниятлари, геоморфологик, гидрогоеологик шароитлари ва асосий геологик жараёнлар очиб берилган;

техноген таъсир остида геологик мухитнинг ўзгаришини ўрганиш мақсадида ўрта ва йирик миқёсли анализик хариталар мажмуасини (геоморфологик, стратиграфик-генетик комплекслар ва лёсс қалинлиги) тузиш методологиясининг асосий тамойиллари ва қоидалари такомиллаштирилган;

геологик мухитдаги техноген ўзгаришларни башорат қилиш ва тартиба солиш учун услубий асос бўлиб хизмат қилиши учун ҳудуд муҳандислик-геологик типлаштирилган;

ҳудуднинг муҳандислик-геологик шароитлари ва типологик районлаштириш хариталарини тузиш тамойиллари ва усуллари такомиллаштирилган, таксономик бирликларни аниқлаш мезонлари белгиланган ва муҳандислик-геологик районлаштириш харита-схемаси тузилган ҳамда геологик мухитдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тамойиллари, вазифалари ва усуллари ишлаб чиқилган.

Ш.О. Мурадов томонидан ҳам ушбу ҳудудда кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Тадқиқотлар натижасида, Жанубий Ўзбекистоннинг табиий-сув хўжалиги районлаштирилган ва сув ресурсларининг динамикаси, минераллашуви ҳамда кимёвий таркибининг метаморфизацияси таҳлил қилинган. Қонуниятлар ва янги салбий ҳолатлар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш учун комплекс илмий асосланган сув ресурсларини барқарор бошқариш ечимлари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Карши чўлининг геологик, геоморфологик

**тузилиши ва гидрогеологик шароитлари»** деб номланган иккинчи бобида ҳудуднинг геологик ва геоморфологик тузилиши, гидрогеологик ва муҳандислик-геологик шароитлари тавсифланган.

Бутун тадқиқот майдони тўртламчи давр чўкинди жинслари билан қопланган бўлиб, Аляудин гуруҳидаги антиклинал тузилмалар ва Майманактау бундан мустасно. Барча тўртламчи чўкинди жинслар генетик литологик турларининг нисбатларига асосан саккизта асосий генетик гуруҳга бўлинади: кўл-кимёвий, аллювиал, аллювиал-пролювиал, делювиал-пролювиал, элювиал-делювиал, элювиал ва эолли. Тадқиқот майдонининг тўртламчи давр ётқизиклари қуидаги ёш мажмуаларига бўлинади: Амударё ( $Q_4^{ad}$ ), Сукайтин ( $Q_3^{sk}$ ), Шўрқудук ( $Q_2^{sh}$ ), Карнаб ( $Q_2^{kr}$ ), бўлинмаган Қарноб ва Шўрсув ( $Q_2^{kr+sh}$ ), Азкамар ( $Q_1^{ak}$ ). Ҳудуднинг тектоник хусусиятларини ва турли хил генетик жиҳатдан бир хил юза ва корреляцион қатламларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш асосида рельефнинг қуидаги генетик тоифалари аниқланган:

- А. Структуравий-денудацияли;
- Б. Денудацион-аккумулятив;
- В. Аккумулятив-дельта;
- Д. Эолли дефляцион-аккумулятив.

Ушбу бобда, аниқланган йирик генетик турдаги рельефнинг геологик ва геоморфологик тузилишининг қисқача тавсифи келтирилган бўлиб, унинг ривожланиш тарихи тўртламчи даврда ўзгарувчан денудация ва аккумуляция даврлари билан ажралиб туради.

Еости сувлари ҳосил бўлишининг шарт-шароитларига гидрогеологик жараёнларнинг йўналишини белгилайдиган омиллар (геологик тузилиш, рельеф, иқлим, гидрографик тармоқлар) ва инсониятнинг актив фаолияти таъсир қиласи ва ер усти сувлари оқими тарқалишини қисман ўзгартиради. Йил фасллари бўйича бир хилда ёғмаган ёғингарчилик фақат қиши-баҳор даврида еости сувларини тўйинтиришда муҳим рол ўйнаши мумкин. Ёғингарчиликнинг камлиги, буғланишнинг юқорилиги ва ер усти сувлари ресурсларининг чекланганлиги сабабли, ўрганилаётган ҳудудда еости сувларининг тўпланиши учун ноқулай шароит вужудга келган. Замонавий Қашқадарё водийси ҳудудида ва қисман чап қирғоқнинг пролювиал текислигига еости сувларининг ҳосил бўлиши ва тўйиниши, ўзидан яхши сув ўтказувчан жинслар орқали сизилиб ўтувчи сувларга боғлиқ. Гидрографик тармоқлар ва суғориш каналлари бўлмаган жойларда еости сувлари асосан, тоғ ва тоғ олди еости сувлари оқимларидан ҳамда озроқ атмосфера ёғинларини шимилишидан шаклланади. Ҳудуд гидрогеологик ва структуравий жиҳатдан Қашқадарё артезиан ҳавзасида жойлашган. Мазкур ҳавза иккинчи даражали иккита, Китоб-Шахрисабз ва Қарши ҳавзаларига бўлинади.

Грунт сувлари асосан Амударёнинг ҳозирги водийсига қараб еости оқимига қўшилади, ҳудуднинг катта қисмida еости сувларининг минтақавий оқими мавжуд. Шунингдек, грунт сувлари Чарағил

пасттекислиги ва грунт сувлари яқин жойлашган ерлардаги буғланиш ва транспирация жараёнлари натижасида ҳам сарфланади. Еости сувларининг минераллашиш даражаси турлича бўлиб, уларнинг миқдори 0,5 дан 30 г/л гача ўзгариб туради ва шўрланган пасттекисликлар худудида 50,7 г/л гачани ташкил қиласи.


Диссертациянинг «Замонавий дастурлар Visual MODFLOW Flex асосида суғориш майдонларидағи гидрогеологик жараёнларни моделлаштириш» деб номланган учинчи бобида Қарши чўлининг суғорилган майдонларида рўй берган гидрогеологик жараёнларни замонавий Visual MODFLOW Flex дастури ёрдамида моделлаштириш натижалари кенг ёритилган. Гидрогеологик жараёнларни моделлаштириш натижасига қўра, моделнинг параметрларини, яъни унинг бошланғич ва чегаравий шартларини топиш учун сув қатламининг конфигурацияси, унинг хусусиятларини тақсимланиши - сув ўтказувчанлиги, миграцион хусусиятлари, босимлари, компонентларнинг концентрацияси, шунингдек, сув тизимиға сунъий ёки табиий таъсир манбалари мавжуд бўлган жойлар - еости сувларини тўйиниши ёки сарфланиши аниқланган.

Худуднинг гидрогеологик шароитларини схемалаштиришда, ҳисоблаш мажмуаларига бир қатор сувли қатламлар грунтларини бирлаштириш имконияти ўрганилган. Табиий гидрогеологик мұхит сув ўтказувчанлиги паст бўлган қатламлар билан ажратилган гидравлик боғланган горизонтлар тизими сифатида схемалаштирилган, бунда сувли қатламларнинг қайта тўйиниши, оқими, сарфланиши ва еости сувлари сифатининг ўзгариши ҳақидаги мавжуд ғоялар ҳисобга олинган. Бунда қабул қилинган гидрогеологик стратификацияга, аниқланган коллектор-дренаж оқимининг мавжудлиги ва ундағы сув сифатининг ўзгаришига, горизонтнинг ўрганилганлик даражасига, филтрация коэффициенти параметрларини аниқлаш учун етарли миқдордаги маълумотларнинг мавжудлигига ва сатхли режимга амал қилинган.

Дастлабки босқичда бошланғич асос сифатида стационар бўлмаган шароитда модел мавжуд бўлиб, унда ўша пайтда мавжуд суғориладиган майдонлардан инфильтрация йўқотишларига мос келадиган, йилдан-йилга ўзгариб турадиган тўйиниш шароитлари олинган (1-расм). Табиий жараёнларни модел жараёнларига мувофиқлиги модел ва табиий белгилар ўртасидаги даражани солиштириш орқали аниқланган.

Ушбу даврдаги назорат пунктларидағи еости сувлари билан (Қашқадарё ГГСнинг мунтазам кузатувлари натижалари) табиий ва модел ҳолатида коллектор-дренаж тармоғига сизилиб чиқаётган еости сувларининг мос келиши кузатилган. Инфильтрация моделини калибрлаш 2 вариантда амалга оширилган. Биринчи вариантда, кирувчи баланс моддаларининг берилган қийматлари, намунавий қатламлар сони бўйича конларнинг берилган филтрлаш хусусиятларига мувофиқ, режага қўра тақсимланган. Ушбу вариантда, қирқим еости сувлари сатхининг катта кияликлари бўлган турли қалинликдаги кўп қаватли қатлам билан


ифодаланганлиги сабабли, қуи оқим бүйича худди шундай ҳажм қуида ётган модел қатламига құшилиб кетган, натижада модел қатламлари босимли бўлган, лекин сув устки қатламни тўлдирмаган.



1-расм. Қарши чўлини ўзлаштириш даврида сугорилган майдонларнинг йиллар мобайнида кенгайиши (тузувчилар: Г. Баянова, Ф. Охунов, 2020 й.)

Ушбу чекловларни олиб ташлаш учун моделнинг 2-вариантida еости сувларининг инфильтрацияси BCF-2 пакети ёрдамида моделлаштирилган, бу сугориш ишлари бошидан еости сувлари сатхининг (сув сатҳи) тўйинмаган модел қатламларига кўтарилишини моделлаштириш имконини берган (2-расм). Баланс моддаларини биринчи яқинлаштиришда баҳолаш ва чегара шартларининг турини ўзгартириш мақсадида ушбу вариантнинг ечимини асоси калибрланган.

Стационар бўлмаган шароитлар учун бундай муносабатларни моделлаштириш 5 та ўзариш даврини ўз ичига олади (биринчи - январь-февраль; иккинчи - март-май; учинчи - июнь-август; тўртинчи - сентябрь-октябрь; бешинчи - ноябрь-декабрь), бу қийматлар даврдан даврга ўзгарган. Стационар бўлмаган муаммони ечимини топиш 9125 кунлик (25 йил) даврни қамраб олган бўлиб, бунинг учун 300 та уриниш (стресс даврлари) амалга оширилган, уларнинг ҳар бирининг давомийлиги 30 кунни ташкил этган. Масалани ечиш жараёнида сугориш каналлари ва сугориладиган майдонлардан инфильтрация йўқотишлари тузатилган. Баъзида филтрлаш параметрлари қабул қилингандан сўнг, моделга тузатиш киритилмаган.




Шартли белгилар:

- Коллектор дренаж тизимлари
- Рельеф изочизиклари

- Дарё ва каналлар
- Минераллашув даражасини билдирувчи изочизиклар
- Кузатув бурғи кудуги


2-расм. Суғориш ишлари бошланган (а) ва 25 йил ўтгандан сўнгги даврдаги (б) сув сатҳининг чукурлиги, миқёси 1:375 000  
(Тузувчилар: Ф.А. Охунов, Ф.М. Мирюсупов, И.Н. Грачева 2021 й.)

Моделлаштириш жараёнида баланс моддаларига қўшимча равища худудлар бўйича қўшни зоналарга кириш ва чиқиш оқимлари аниқланган (3-расм). Моделлаштиришда олинган амплитудалар ҳақиқий қийматлардан ошмаган.



3-расм. Тадқиқот ҳудудидаги еrosti сувлари тезлигининг қиймати  
(Тузувчилар: Ф.А. Охунов, Ф.М. Мирюсупов 2021 й.)

Диссертациянинг «Суғориладиган майдонлардаги еости сувларининг кимёвий таркиби ва аэрация зонасининг гидрогеологик шароитини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида суғориш ишларининг еости сувлари сифатини ўзгаришига ва аэрация зонаси жинсларига таъсирини баҳолаш учун ҳудудда олиб борилган тадқиқотлар, сувнинг кимёвий таркибини, турли генетик турдаги грунтларнинг сув экстракти ва уларнинг сув-физик хоссаларини (намлик, солишиштирма ва ҳажмий оғирлик, максимал молекуляр намлик ҳажми) аниқлаш ишларининг натижалари кенг ёритилган. Бундан ташқари, ҳудудларни йиллар давомида ўзлаштиришдаги интенсив суғориш ишлари билан боғлиқ бўлган еости сувларининг сатҳ ўзгариши (4-расм) ва ифлосланиш жараёни Қашқадарё ГГС ҳудудий режим тармоғининг мунтазам мониторинги натижасида бурғи қудуқларидан ва туман сув хўжалигининг коллектор-дренаж оқимидан олинган сув намуналарининг кимёвий таҳлил натижалари билан аниқланган.




4-расм. Қарши чўли ҳудудида грунт сувлари сатҳини йиллар кесимида ўзгариши (Тузувчилар: Ф.А. Охунов, Ф.М. Мирюсупов 2021 й.)


Олиб борилган тадқиқотлар натижалари бўйича еости сувларининг сифат ўзгариши жараёнини баҳолаш учун олинган дастлабки маълумотлар қабул қилинган модель қатламларига мувофиқ чуқурликлар бўйича ажратилган. 1971 йилда бошланган 25 йил давом этган суғориш ишлари

натижасида олинган сув сифати маълумотлари билан ҳам худди шундай ишлар амалга оширилган. Танланган 3,0-28,5 метрдан 12,6-40,3 метргача; 12,6-40,3 метрдан 21,6-63,8 метргача; 21,6-63,8 метрдан 29,6-113,7 метргача; 29,6-113,7 метрдан 72,0-162,0 метргача бўлган чуқурликлар оралиғида кимёвий таркиб сезиларли даражада ўзгармаган, қатламларнинг маълумотлари алоҳида гурухланган (5-расм).

а)



б)



Шартли белгилар:

- |  |                            |  |  |  |                               |
|--|----------------------------|--|--|--|-------------------------------|
|  | Коллектор дренаж тизимлари |  | Минераллашув даражасини билдирувчи изочизиклар |  | Мухандислик-геологик районлар |
|  | Рельеф изочизиклари        |  | Кузатув бурғи кудуғи                           |  | Дарё ва каналлар              |

5-расм. Суғориш ишлари бошланган (а) ва 25 йил ўтгандан сўнгти даврдаги (б) еости сувларининг минераллашуви, миқёси 1:375 000  
(Тузувчилар: Г.Ф. Баянова, Ф.А. Охунов, И.Н. Грачева 2021 й.)

Худудда еости сувларининг минераллашуви қандай кечганини аниқлаш учун минераллашувнинг бошланғич қийматлари билан асосий кимёвий элементлар ( $\text{Cl}$ ,  $\text{HCO}_3$ ,  $\text{SO}_4$ ,  $\text{Ca}$ ,  $\text{Na}+\text{K}$ ,  $\text{Mg}$ ) ерни ўзлаштириш бошланганидан 25 йил ўтгандан кейинги ҳолати билан солиширилган.

Ўрганилган вақт оралиғида (1970-2022) еости сувларининг сифати яхши томонга ўзгаргани кузатилган. Суғориш ишларидаги сувларининг шимилиши натижасида коллектор-дренаж тизимлари орқали худуддан ва суғориш тизимларидан тузлар ювиб чиқарилди. Бу жараён худуднинг юқори қисмларида яққол намоён бўлган.


Маълумотлар турли даврлар учун мавжуд бўлсада ва қўшни кичик районларда аниқланган чучуклантириш жараёнини ҳисобга олган ҳолда,

таққослаш бу худудда еости сувларининг сезиларли даражада чучукланишини ҳам кўрсатади.


Моделлаштириш бошланишида ҳам, охирида ҳам қатlam бутун худуд бўйлаб сув остида қолган. Моделлаштириш натижаларига кўра, бу вақт ичида еости сувларидаги қуруқ қолдиқ миқдори ўзгармаган. Моделлаштириш бошида ва охирида ушбу қатламдаги 6500-8700 мг/л қуруқ қолдиқли еости сувларидаги 1500 мг/л дан ортиқ сувларнинг контури деярли бир хил ҳолатда сақланиб қолган. Фарқ шундаки, моделлаштириш охирида бу чегара сувларнинг 15000 мг/л дан 10000 мг/л гача чучукланиши туфайли ингичка чизиқ шаклида бироз хиралашган. Мисол тариқасида сугориш ишлари бошланган ва 25 йил ўтгандан сўнгги даврда еости сувларидаги Cl ни миқдори ўзгариши б-расмда келтирилган.

Табиятда бўлгани каби, бу ерда ҳам еости сувларини чучукланиши ўрнига, уларга гипсометрик юқори турувчи ётқизиқ майдонларидан тузлар кириб келиши оқибатида шўрланган худудлар ажралган.

а)



б)




Шартли белгилар:



Коллектор дренаж тизимлари




Clни миқдори даражасини билдирувчи изочизиклар



Дарё ва каналлар



Рельеф изочизиклари



Кузатув бурғи кудуги

6-расм. Еости сувларидаги Cl ни миқдори (сугориш ишлари бошланган (а) ва 25 йил ўтгандан сўнгги давр (б) учун) (Тузувчилар: Ф.А. Охунов, И.Н. Грачева 2022 й.)

Концептуал иккинчи моделни ҳисоблаш орқали дастлаб еости сувлари аэрация зонасининг пастки қисмини тўлдирганлиги тахмин қилинган. Бу ерда қатламлар қалинлиги кальцит ( $\text{CaCO}_3$ ), доломит ( $\text{CaMg}(\text{CO}_3)_2$ ), сидерит ( $\text{FeCO}_3$ ), гипс ( $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ), ангидрит ( $\text{CaSO}_4$ ), барит ( $\text{BaSO}_4$ ), каолинит

( $\text{Al}_2\text{Si}_2\text{O}_5(\text{OH})_4$ ,  $\text{Sa}$  – монтмориллонит ( $(\text{CaO} \cdot 165\text{Al}_2 \cdot 33\text{Si}$ , хаусманит ( $\text{Mn}_3\text{O}_4 + 8\text{H}$ ), галит ( $\text{NaCl}$ ),  $\text{SO}_2$ , алуунит ( $\text{KAl}_3(\text{SO}_4)_2(\text{OH})_6 + 6\text{H}$ ); катион алмашинадиган гиллар ва сувли темир оксидларидан ташкил топган. Ушбу қатлам еости сувлари билан түйинган, буғланиш эса сувдаги тузларнинг концентрациясини оширади ва минералларни мувозанатлаштиради. Бу намлик билан түйинган зонага кириб, сувли темир оксидлари ва катион алмашинувида иштирок этадиган минераллар билан реакцияга киришади.

Хисоблаш ишларида намлик билан түйинган зонани ифодаловчи ягона ячейка билан адекция-дисперсияли масса кўчиш имкониятларидан фойдаланилган. Умуман олганда, ёриқлик сувининг маълум миқдордаги ҳажми ёриқлик текислиги ячейкасига киради ва ёриқлик майдонининг ҳар бир миқдори учун сув минераллар, катион алмашинувчиси ва сиртлари билан мувозанатланади. Ячейкадаги сувнинг кимёвий таркибини ўзгариши сувли горизонтнинг намлик билан түйинган зонасининг юқори қисмига яқин нуқтасида содир бўлган жараёндир.

Минералларнинг мувозанат ва кинетик эришини миқдорий аниқлаш қобилияти ноорганик ифлосланиш муаммоларини моделлаштириш учун жуда муҳимдир. Шу мақсадда минераллар билан мувозанатдаги сувнинг таркиби кетма-кет ўзгариб турадиган ҳудуднинг модели яратилди, яъни грунтлар турли кимёвий таркибдаги сувлар билан ювилади.

## ХУЛОСА

1. Суғориладиган майдонлардаги сувнинг шимилишини аниқлашда йўқотиладиган миқдорни фоиз ҳисобида олинган, бунинг учун юздан буғланиш, тўғридан-тўғри шимилишдан йўқотишилар ва ташламалар каби жараёнлар суғориладиган майдонлар ҳисобидан бўлган.

2. Тадқиқот ҳудудининг рельефи структуравий-денудацияли, денудацион-аккумулятив, аккумулятив-дельта, эолли дефляцион-аккумулятив генетик тоифаларга ажратилган.

3. Сўнгги 35-40 йил ичидаги Қарши чўлида олиб борилган ўзлаштиришилар натижасида ҳудуднинг сув хўжалиги шароити сезиларли даражада ўзгарган, суғориладиган майдонларга ажратиладиган сув миқдори (1970 йилдан яъни суғориш ишларини дастлабки давридан бошлаб, 50 мингдан 250 минг гектарга) 400 дан 2100 млн  $\text{m}^3$  гача ўсган. Суғориш майдонлари ҳам 1970 йилдан то 1995 йилгача доимий равишда кенгайиб келган ва ҳозирги кунда ҳам бу жараён сақланиб қолмоқда. Нишон, Миришкор, Касби ва Муборак туманларидағи бўз ерларни ўзлаштирилиши бундай майдонларни кенгайишига сабаб бўлганлиги аниқланган.

4. Қарши чўлини ўзлаштирилишининг дастлабки ўн йилликларда (1960-70 йиллар оралиғида) янги суғорилган ҳудудларда аэрация зонаси жинсларида тузлар миқдорини кўпайиши, чўлни жадал ўзлаштирилган даврида эса (1970-1995 йиллар) шўрланиш даражаси максимал даражага кўтарилиши аниқланган. Айниқса бу кўрсаткич мавжуд дренаж тизими

ишламаган ёки уларнинг фойдали иш коэффиценти кам бўлган даврларда худудда шўрланиш даражаси ўта юкори бўлган.

5. Моделлаштириш жараёнида худуднинг турли қисмларида еости сувлари сатҳининг қўтарилиш ёки пасайиш кўрсаткичлари ҳисобга олинган. Бутун давр мобайнида худудда еости сувларининг сифимли захираларининг тўпланиши асосан янги ўзлаштирилган ерларда инфильтрациянинг ошиши ҳисобига амалга ошгани аниқланган. Тўпланиш жараёни муайян даврларда янада жадалроқ давом этган. Дастробки 10 йиллик ичида сифимли захираларнинг тўпланиши 3,696 дан 11,097  $\text{m}^3/\text{сутка}$  ошган. Кейинги 25 йил ичида тўпланиш 9,99-7,235  $\text{m}^3/\text{сутка}$  оралифида бўлган, моделлаштириш даври сўнгига 3,558  $\text{m}^3/\text{сутка}$  пасайиши кузатилган.

6. Грунтлардаги тузларнинг мувозанат ва кинетик эришини миқдорий аниқлаш ноорганик ифлосланиш муаммоларини моделлаштириш учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Шу мақсадда минераллар билан мувозанатдаги сувнинг таркиби кетма-кет ўзгариб турадиган худуднинг модели яратилди, яъни грунтлар турли кимёвий таркибдаги сувлар билан ювилади ва кенг кўламли эриш майдонлари шаклланади. Мазкур жараён аэрация зонаси қатламида эрувчан тузларнинг камайишига сабаб бўлади.

7. MODFLOW-SURFACT моделлаштириш тизими ёрдамида табиий эритмаларнинг (миқдор+таркиб) концентрациясининг ошиши грунт сувларининг буғланиши ва аэрация зонасининг намланиш жараёнида рўй бериши аниқланган. Бундай тизимли ёндашувда моделлаштириш жараёни бироз бошқача акс этади, яъни сув массаси ҳаракати ва таркибини грунтнинг тўйинган қалинлигига ҳам, аэрация зонасида ҳам ягона тадқиқот обьекти сифатида ўрганилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ**  
**ИНСТИТУТ ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ**

---

**ОХУНОВ ФАРРУХЖОН АБДУКАХОРОВИЧ**

**НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ РЕЖИМА  
ПОДЗЕМНЫХ ВОД НА ОРОШАЕМЫХ ТЕРРИТОРИЯХ  
(НА ПРИМЕРЕ КАРШИНСКОЙ СТЕПИ)**

**04.00.04 - Гидрогеология и инженерная геология**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам

**Ташкент-2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.2.PhD/GM84.

Диссертационная работа выполнена в Институте гидрогеологии и инженерной геологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.seismos.uz](http://www.seismos.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Абдуллаев Ботиржон Дадажонович**

доктор геолого-минералогических наук, старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:**

**Иргашев Юлдашбай**

доктор геолого-минералогических наук, профессор

**Аззамова Инобат Абдувахидовна**

кандидат геолого-минералогических наук, профессор

**Ведущая организация:**

Национальный исследовательский университет

«Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Защита диссертации состоится «22» февраля 2023 года в 14:00 часов на заседании разового научного совета при научном совете DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 при Институте сейсмологии (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Зулфияхоним, 3. Тел.: +99871-241-51-70; +99871-241-74-98; e-mail: [seismologiya@mail.ru](mailto:seismologiya@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Сейсмологии (регистрационный номер №1149) (100128, г. Ташкент, ул. Зулфияхоним, 3. Тел.: +99871-241-51-70).

Автореферат диссертации разослан «7» февраля 2023 года.

(реестр протокола рассылки №12 от «7» февраля 2023 года)



**К.Н. Абдуллабеков**

Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., академик

**З.Ф. Шукуров**

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по г.-м.н.

**В.А. Исмаилов**

Председатель разового научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Мониторинг режима подземных вод в мире имеет большое значение в гидрогеологических научных исследованиях, проводимых при решении различных экономических и социальных вопросов локального и регионального масштаба. Сведения мониторинга состояния подземных вод являются важным фактором не только обоснования достоверности инженерно-геологических прогнозов, но и значительного повышения экономической эффективности гидрогеологических исследований. В этих случаях, важным является анализ режима подземных вод, определение уровня влияния деятельности человека на подземные воды, разработка мероприятий по эффективному использованию в народном хозяйстве, их сохранению и систематическому управлению водного хозяйства.

В мировом масштабе проводится ряд научных исследований, связанных с усовершенствованием научно-методической основы изучения влияния ирригационных работ на режим подземных вод и систематического управления водными ресурсами. В этих случаях особое внимание уделяется научному обоснованию естественного или нарушенного режима подземных вод, а также зависимости элементов режима от природных и техногенных факторов и эффективному использованию подземных вод для питьевого водоснабжения и народного хозяйства в различных целях.

В нашей стране проводятся масштабные научные исследования по таким задачам, как влияние орошения на подземные воды, поиск пресных подземных вод и их защита от загрязнения, мелиорация земель и в этих направлениях достигнуты определенные результаты. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы «...125 000 м<sup>3</sup> запасов подземных вод и, как следствие, обоснование водных ресурсов для питьевого водоснабжения более 550 000 жителей и орошения 30 000 га земли...»<sup>1</sup>. Поэтому наиболее важным является изучение режима подземных вод на орошаемых территориях, их охрана от различных загрязнений, проведение научных исследований по защите земель от процессов засоления и загрязнения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 343 от 3 июня 2021 года «О дальнейшем совершенствовании системы оценки загрязнения окружающей среды», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 430 от 27 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему регулированию деятельности в области использования минеральных вод», а также другими нормативно-правовыми актами касающихся данной сферы.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

